

## ФРАЗЕОЛОГИЯ ЛЕКСИКОГРАФИЯНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Узоқова Хайринисо

ЖДПИ "Хорижий тил ва адабиёти" факултети 2 курс магистранти

**Аннотация:** Мазкур мақола фразеология тилшуносликнинг асосий қисми сифатида муҳим эканлигини исботлаш учун ёзилган. Бундан ташқари фразеологиянинг хусусиятлари таснифи ва таърифи ҳақида ҳам айтиб ўтилган

**Калит сўзлар:** фразеология, структура, грамматика, турғун бирикма

**Abstract:** This article is written to prove that phraseology is important as a major part of linguistics. It also discusses the classification and definition of the features of phraseology

**Key words:** phraseology, structure, grammar, set expression

Фразеология лексикографиянинг объекти эканлиги ҳақида фикр юритишдан аввал фразеология терминининг нималигига аниқлиб киритиб олиш лозим. Фразеология терминига турли олимлар турлича ёндашиб, унга турлича таъриф беришади. Шу пайтгача, мазкур соҳадаги мавжуд адабиётларда фразеологияни таърифлашда бирхиллик йўқлигини кузатиш мумкин.

Ҳар бир чет тилини ўрганадиган киши фразеологияни тушуниш ва таржима қилиш қандай машаққат эканлигини билади. Чунки бирикма таркибидаги сўзлар маъносининг йиғиндиси унинг маъносини тўлиқ очиб бермайди. Кўп асрлар давомида бирикма сифатида қўлланиб келинаётган фразеологик бирлик унинг таркибидаги ҳар бир сўзнинг лексик маъносини бутунлай йўқотиши мумкин. Тадқиқ этилаётган тилларда фразеология бир хил даражада ўрганилмаган. Инглиз тилида тилнинг бу ҳодисаси XIX асрнинг 30 йилларида тилшуносликнинг бир бўлими сифатида ўрганила бошланган бўлса, рус тилшунослигида фразеология лексикология фанининг таркибий қисми

сифатида бундан 35 йил муқаддам В.В.Виноградов томонидан ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида фразеология масалалари билан Ш.Рахматуллаев, М.Содиқова ва типология соҳасида илмий тадқиқот олиб борган олимлар шуғулланганлар

А.В.Куниннинг таснифига кўра, инглиз тилида фразеологикбирликнинг бешта асосий тури мавжуд.

1. Бир элементли фразеологик бирликлар. Бунда фразеологик бирлик битта асосий икки ёки учта асосий бўлмаган сўзлардан иборат бўлади.

2. Тобе структурали фразеологик бирликларнинг сўз бирикмаси.

3. Предикатли фразеологик бирикма. Бу фразеологик бирлик лексема+ эргаш гап кўринишида бўлади.

4. Феълли фразеологик бирлик. Бунда фразеологик бирлик инфинитив ва мажхул нисбатдаги феълдан иборат бўлади.

5. Оддий ёки эргаш гап структурасидан ташкил топган Фразеологик бирликлар (Кунин, 1972, 12-13).

Юқорида кўрсатилган фразеологик бирликлар турлари икки тилли фразеологик луғат тузиганда инобатга олиниши лозим.

Фразеология бўйича тилшуносликда турли таснифлар мавжуд.Тилшуносликнинг фразеология бўлими алоҳида мустақил соҳа сифатида қабул қилинган. Фразеология бўйича мавжуд адабиётларда кўрсатилишича, фразеология бўйича А.Смирницкий, В.В.Виноградов ҳамда О.С.Амосоваларнинг фразеология таснифлари мавжуд. Қуйида биз ана шу таснифларга қисқача тўхталиб ўтамиз. А.В.Кунин,В.В.Виноградов, А.Смирницкий фразеологияни учга бўлиб тасниф этишган. В.В.Виноградов фразеологияни фразеологик чатишма, фразеологик бирликлар ва фразеологик бирикмаларга ажратади (Виноградов 1973).

А.Смирницкий эса уларни анъанавий, фразеологик комбинациялар ҳамда идиомаларга ажратади (Смирницкий 1956).

Фразеологик бирликларнинг структурасига грамматик нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, унинг олти хил тури мавжудлиги аён бўлади.

1. От вазифасини бажарувчи фразеологик бирликлар. Буларга N+N – maiden name, N’s+N – cat’s paw, Ns’+N –ladies man, N+prep.+N – skelton in cupboard, N+&+N lord & master, N+subord. cl, N+Adj.+N – knight errant, A+N – green room;

2) verbs V+N – to take advantage, V+postpositive, V+&+V – pick & choose, V+sub.cl.- see how lands lies, V+one+V – give one bird;

3) adjs. A+&+A, as+A+as+N;

4) advs. N+N+ - tooth & nail, prep.+N, conj.+ cl., adv+prep+A+V – once in a blue moon, prep.+N+Pr.- by hook or by crook;

5) prepositions Pr+N+Pr – in consequence of;

6) Interjections God bless me!

Фразеологик ибораларнинг семантик табиати ҳақида гапиришдан олдин фразеологик маъно нималигини аниқлаб олишимиз зарур. Маълумки, тилда ҳам маъно ҳам шакл бор. Тилда шакл деб одатда тилнинг материяси – товуш – кўзда тутилади. Бу тилшуносликда тилнинг ифода плани номи билан кенг тарқалган. Шу асосда талаффуз шакли ва ёзув шакли фарқ қилинади. Шулардан шакл биринчи ҳисобланади. Ёлғиз шаклнинг ўзи тил бирлигини ташкил этмайди. Тил бирлиги бўлиши учун маълум шаклга маълум маъно биркитилган бўлиши лозим. Бундай маъно тил бирлигининг мазмун планини ташкил этади. Бундай маънони бирор шакл нутқнинг ўзида кашф этмайди, балки бирор шаклга бундай маъно тилда биркитилган бўлади, нутқ эса уни воқелаштиради, юзага чиқаради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арбекова Т.И. Лексикология английского языка.(Практический курс). –М.: Высш. школа, 1977. – 240 с.
2. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М., 3. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985. – 200 б.
4. Кохтев Н.Н., Розенталь Д.Э. Русская фразеология. – М., 1986.